

Х.А. МЎМИНОВ



G.HIRSUTUM L. МАДАНИЙ
НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ
БОЙТИШДА A_1 , A_2 ГЕНОМЛИ
ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Х.А. МЎМИНОВ

***G.HIRSUTUM* L. МАДАНИЙ НАВЛАРИНИНГ ГЕНОТИПЛАРИНИ
БОЙИТИШДА A_1 , A_2 ГЕНОМЛИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**ТОШКЕНТ – 2023
“Lesson Press” нашриёти**

УЎК: 633.511:631.527(575.1)

КБК: 42.36

Мўминов Х.А. *G.hirsutum* L. маданий навларининг генотипларини бойитишда A_1 , A_2 геномли турларидан фойдаланиш.//Монография.- Тошкент: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2023.- 268 б.

Ушбу монографияда ғўзанинг *Gossypium* L. туркумининг полиморф ғўзанинг A_1 , A_2 , AD_1 геномли турларини чатиштириш асосида олинган амфидиплоидли дурагай оилаларини қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляциясини аниқлаш натижасида генетик жиҳатдан бойитилган янги тизмаларини яратиш ҳамда амалий селекцияда қўлланилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ушбу монографиядан генетиклар, систематиклар, селекционерлар, ўсимликшунос олимлар ва магистр талабалар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Биология фанлари доктори (DSc),
профессор С.Ф.Бобоев

Биология фанлари доктори (DSc),
доцент В.Б.Файзиев

Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги 8-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN: 978-9910-9661-3-2

© “Lesson press” МЧЖ нашриёти, 2023

КИРИШ

Дунё бўйича пахта энг кўп етиштириладиган ноозиқ-овқат экини бўлиб, йилига 30 млн гектар майдонда 20 млн тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади. Пахта етиштиришда етакчи давлатлар Хитой, АҚШ, Покистон ва Ўзбекистондир. Бу беш давлат биргаликда жаҳон пахтасининг 65 фоизини ишлаб чиқаради. Қолган 35% дунёнинг бошқа жойларида ишлаб чиқарилади. Пахтачиликда ген муҳандислиги ва биотехнология соҳаларига асосланган янги технологияларни қўллаш орқали ғўзанинг турли экстремал шароитларга бардошли тезпишар ва тола сифати юқори бўлган серҳосил навларни яратишда қимматли ва ноёб шакллари излаб топиш, уларни селекция жараёнларига жалб этиш асосида қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган донор ва бошланғич ашёларни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда пахтачиликни ривожлантириш учун ташқи муҳитнинг стресс омилларига, касалликларга ва зараркунандаларга генетик жиҳатидан чидамли бўлган бошланғич манбалар ҳамда ғўзанинг тетраплоид ва диплоид турлардан фойдаланиш ҳисобига қимматли хўжалик белгиларининг генетик ўзгарувчанлиги оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ғўзани геномлараро дурагайлаш ва экспериментал полиплоидия услубларидан фойдаланиш орқали ғўза генофондида мавжуд шаклларнинг тезпишар, серҳосил, тола сифати ҳамда чиқимининг ирсий бошқарилиш хусусиятларини аниқлаш асосида полигенлар билан назорат қилинадиган миқдорий белгиларнинг кўрсаткичларини ошириш ва уларнинг морфоҳўжалик белгилари билан узвий боғлиқлигидан фойдаланиб, янги истиқболли тизма ва навлар яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда касаллик ва зараркунандаларга бардошли, рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати

дунё бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар давомида, ғўзанинг тетраплоид турлари асосида тола сифати юқори бўлган навларни яратиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ғўзанинг *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи вакилларида фойдаланиб *G. hirsutum* L. турининг нав намуналари генотипини бойитиш орқали янги нав ҳамда тизмалар яратиш ва амалиётга жорий этишга муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.